

Хабарингиз бор, 12 сентябрь кuni Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ўз ишини бошлади. 19-25 сентябрь кунлари Бош Ассамблеянинг олий сиёсий музокаралари бўлиб ўтади.



Санжар ШОТЎЛАНОВ олдан сурат.

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК

йўлидаги ҳамкорликдан бутун дунё халқлари ва мамлакатлари бирдек манфаатдор

19 сентябрь — Ассамблея Олий музокараларининг илк кунини БМТ Бош қотиби, АҚШ, Арманистон, Афғонистон, Бразилия, Исроил, Польша, Франция давлатлари президентлари қаторида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам нутқ сўзлади.

Ушбу нутқда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотлар, Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканига урғу берилди. Шунингдек, халқаро ҳамжамиятни бирдек ташвишга солаётган глобал муаммоларга қарши курашиш борасида таклифлар билдирилди. Президентимизнинг кенг қамровли, айтиш мумкинлики,

тарихий нутқда кўтарилган масалалар сессия иштирокчилари, дунёнинг етакчи олим ва мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари, етук сиёсатчилар эътиборини тортди. Ушбу нутқ кенг жамоатчилигимиз томонидан мамнуният билан қўлиб олинди ва чуқур ўрганилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ташкилоти фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда шу ҳақда фикр юритилди.

Дастлаб нутқнинг видеотасвири намоиш этилди. Шундан сўнг депутатлар ҳамда партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида ечимини кутган масалалар ҳал этиляпти. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам музокаралар олиб борилаётган. Чунки минтақанинг умумий сув захираларидан тўғри фойдаланиш Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ажралмас қисми саналади.

Шу маънода, БМТ Бош қотибининг «сув, тинчлик ва ҳавфсизлик» муаммолари ўзаро ҳам-барчас боғлиқ, деган позициясини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлайди. Зотан, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ.

Президентимиз мана шу масалаларга тўхталар экан, мамлакатимиз БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни эътироф этди.

Албатта, сув ҳаёт манбаи экан, у билан боғлиқ масалалар долзарблиги ҳамда аҳамиятини йўқотмайди. Уйлаймизки, нутқда билдирилган фикр ва таклифлар бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири — Орол фожеаси билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишга ҳам катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, нутқда шу йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжумани ўтказишдан мақсад ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани кайд этилди.

Ушбу анжуман якунида БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи киритилиши режалаштирилган. Ташкилот раҳбарияти ва халқаро ҳамжамият бу таклифни қўллаб-қувватлашга ишонч билдирилди.

ташқари, йигит-қизлар ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғоялари тарқалишининг олдини олиш ҳаётий вазифамиздир. Уйлайманки, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланади. Натижада ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат юзага келади. Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклиф бутун дунё болалари ва уларнинг ота-оналарини қувонтиради, деб ҳисоблайман.

биргина миллат ёки дин вакиллари истиқомат қилувчи мамлакат йўқ. Яхшилик ва ёмонлик миллат танламайди. Ёшлар ўртасида солид этилаётган турли кўнгилсизликлар, талафотлар келажатимизга ҳам бирдек салбий таъсир кўрсатади. Демак, БМТнинг нуфузини ошириш, унинг таъсир кучини янада мустаҳкамлаш борасида ислохотларга изчил тус бериш даври келди. Тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан эса бутун дунё халқлари ва мамлакатлари бирдек манфаатдордир.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Бунёд Эшонқулов, Шухрат Турсунбоев, Баҳром Обиджонов, партия Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Нутқ мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИНЧЛИК ҲУҚМРОН ЮРТДАГИНА ИНСОН БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқини тун яримдан оққан бўлса-да, юртдошларимиз телевидение орқали катта қизиқиш билан тингладилар. Давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб, мамлакатимиз ҳамда халқаро ҳамжамият олдида турган устувор вазифаларни аниқ, лўнда ва содда тилда баён қилди. Бугун ким билан гаплашманг, Президентимизнинг ушбу нутқи ҳақида ўз фикрини билдиради, муҳим воқеа бўлганини таъкидлайди.

Топволди ХОЛДОРОВ, «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси, «Эл-юрт хурмати ордени» соҳиби:

— Ёшинг улғайган сари кузатувчан, ҳар нарсани тарозиға солади-ган бўлиб қолар экансан, киши. Эҳе, бу ҳаётда нималар кўрмадик, қандай қийинчилигу машаққатларни енгишга тўғри келмади, дейсиз. Президентимизнинг кеча БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқи юртимизда ёши, касб-коридан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Вақт алламаҳал бўлиб қолган бўлса-да, барчамиз диққат-эътибор билан тингладик.

Ўтган йили бошимиздан оғир синовлар ўтди. Мустақил давлатимиз асосини, Буюк Ўртабосимиздан айрилди. Халқимизнинг ҳудода айтгани бор экан шекилли, Яратган бизга янада ғайрат-шижоатли, эл-юрт манфаатини, адолат ва қонунийликни ҳамма нарсадан устувор биладиган йўлбошчини насиб этди. Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимизнинг муносиб шоғирди сифатида ислохотлар қўламини янада кенгайтди, ривожланишимизга шиддат бағишлади. Бугун юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар янгилашни вақтинчалик ҳолат бўлиб қўймоқда. Инсон манфаатларига бўлган эътибор барча жаҳонда ўз ифодасини топибди. Одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартириш, эртанги кунга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. Айниқса, нуронийларимиз умрига умр қўшилмоқда. Бу осмондан олинган гаплар эмас. Ўзбекистонимизнинг қай гўшасига борманг, ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва

барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритар экан, унинг ечимларини ҳам кўрсатиб берди. Айниқса, ён қўшимиз Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал қилиш, у ерда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида Ўзбекистоннинг ўз позициясини баён қилди. Дунё ҳамжамиятини қийнаётган глобал муаммоларга ҳам муҳим эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон — тинчлик тарафдори. Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, ёшлар тарбияси бутун дунё ҳамжамиятининг муҳим вазифасига айланган бугунги кунда унинг аҳамияти янада ортади.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш лозимлиги тўғрисидаги таклифи ҳам тарихий воқеа бўлди. Исломи дини эзгуликка, тинчликка хизмат қилади. Шундай экан, ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш ғоят долзарб вазифа. Бунда бизнинг заминимиздан етибди чиққан азиз-авлиёлар, буюк алломалар меросини ўрганиш ва тарғиб этиш алоҳида аҳамиятга эга. Дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, барча халқларнинг янада фаровон турмуши учун ғоят муҳим бўлган бундай улғувор ташаббуслар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва фикрига эга эканини кўрсатади. Бу барчамизга гуруҳ-ифтихор туйғуланини бағишлайди.

ЎЗА мухбири
М.СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАҚСАДИ — ДУНЁДА АДОЛАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқини бутун Ўзбекистон халқи катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олди.

Зеро, БМТ олий минбаридан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини дунё ҳамжамиятига етказиш катта масъулият ва шарафдир.

Президентимиз ўз нутқида мамлакатимизда шиддат билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг тўб моҳиятида демократия қўллаб-қувватлаб, ҳавфсизлик кенгаши таркибининг кенгайтириш таклифи билдирилди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши Марказий Осиё давлатларидир. «Бизнинг сиёсатимиз, — деб таъкидлади Президентимиз, — рақобат эмас, балки конструктив ҳамкорлик ва яқин қўшничиликдир».

Бунинг амалий натижасини Президентимизнинг қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйганида яққол кўриш мумкин. Сўнгги ойларида бу борада ўзаро сиёсий ишонч ошганилиги, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар ривожлангани кузатилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий параметрларини дунё ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилди. Муҳими, бу халқаро ҳамжамият томонидан илиқ кутиб олинди.

Ишончимиз қомилки, Ўзбекистоннинг адолатли давлат барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари нафақат фуқароларимизнинг манфаатлари таъминланишига, балки минтақада, дунёда адолат муҳити мустаҳкамланишига, дўстона муносабатлар мустаҳкам қарор топишига хизмат қилади.

Лола САИДОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Юристарлар
малакасини ошириш маркази
кафедра мудири,
юридик фанлари доктори.
ЎЗА



Абдуғаффор ҚИРПИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясидаги нутқи дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Чунки давлатимиз раҳбари ўта қисқа вақт давомида юртимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини дунё аҳлига таништирди олди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз бугунги кунда Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан барча



Феруза ЭШМЕТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз нутқини чинакам тарихий воқелик сифатида баҳоласак, тўғри бўлади. Чунки унда юртимизда рўй бераётган ўзгариш ва ислохотлар, тинчлик, барқарорлик, бағрикенглик масалалари, яқин қўшничилик алоқалари ва яна кўплаб мавзулар қамраб олинган.

Муҳими, улар БМТ ҳужжатларидаги мақсад-вазифаларга ҳар томонлама ҳамоҳанг.

Нутқда эътиборимни тортган жиҳат шу бўлдики, ёшлар ҳамда диний эътиқод борасидаги фикрлар залдагиларни ўзаро муҳокамага чорлади. Чиндан ҳам, дунёда



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзига хос халқаро тамойиллар асосида фаолият юритади. Аввало, глобал муаммоларга қарши курашиш, дунёдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича турли конвенциялар қабул қилинган. Лекин бугунги кунга келиб, кўпгина давлатларда Женева конвенцияси талабларига беписандлик билан қаралмоқда. Қуролли тўқнашувлар

натижасида унинг меъёрлари бузиляпти. Бунини дунё ўзини ўзи вайрон қилмоқда, деб баҳолаш мумкин. Чунки маънавий бойликлар, кутубхоналар ёқиб, йўқ қилинмоқда. Ёшлар онги бузғунчи ғоялар таъсирида қоляпти.

Ана шундай таҳликали паллада Президентимиз таъкидлаган фикрлар жуда ҳам ўринли бўлиб, чуқур ўрганилиши ҳамда чора қўлланилиши зарур бўлган масалаларни қамраб олди. Яъни Ўзбекистон БМТнинг босқичма-босқич ислохот этилиши тарафдори экани, Ҳавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, БМТ бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутайди. Ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар қўллаб-қувватланди. Давлатимиз БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради, дейилди.

Нутқда алоҳида эътибор қаратилган миллатлараро, динлараро бағрикенглик тушунчасини дунёга кенг ёйиш аслида тинчликпарвар сиёсатнинг асосини ташкил этади. Чунки ер юзида

Минтақа ва дунёдаги глобал муаммолар ечими бўйича таклифлар билдирилди.



ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА МЕДАЛЛАРИМИЗ 57 ТАГА ЕТДИ

Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида V Осий ўйинлари давом этмокда. Кеча Осий ўйинларининг бешинчи кунги спортчиларимиз учун омадли келди. Белбоғли кураш бўйича Хусниддин Рўзиев, Обидали Мавлонов, Шерзоджон Раҳимов, кураш бўйича Раҳима Йўлдошева олтин медалга сазовор бўлишди.

Елена Смолянова енгил атлетика бўйича, Элдор Нематов, Ислонжон Кўлдошев, Шахзода Эргашова, Дилафруз Мамажонова белбоғли кураш беллашувларида, Достон Ёқубов ҳамда Муаттар Набиева оғир атлетика бўйича терма жамоамизга навбатдаги кумуш медалларни олиб берди. Шунингдек, спортчиларимиз кун давомида яна 7 бронза медалини қўлга киритди.

Осий ўйинларида 3x3 баскетбол бўйича эркаклар терма жамоамиз дастлабки ўйинини Непал терма жамоасига қарши ўтказиб, 18:16 ҳисобида галаба қозонди. Иккинчи учрашувда Мўғлистонга қарши баҳс олиб боришди. Афсуски, ушбу ўйинда баскетболчиларимизга бироз омад етишмади. Улар 16:17 ҳисобида имкониятни бой берди. Бугун спортчиларимиз Қирғизистон вакиллари билан учрашди.

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи учрашувда малдивликларни 9:1 ҳисобида енган эди. Кеча ҳамюртларимиз гуруҳдаги учинчи ўйинда Афғонистон терма жамоасига 2:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Бугун улар Хитой терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Осий ўйинларининг бешинчи кунги натижаларига кўра, Ўзбекистон делегацияси 7 олтин, 16 кумуш, 34 бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 3 ўринда бормоқда.

V Осий ўйинлари доирасида Осий Олимпия кенгаши Бош ассамблеясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбек миллий кураши 2018 йили Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган XVIII ёғи Осий ўйинлари дастурига киритилгани расман эълон қилинди.

Маъжур Осий ўйинларида кураш мусобақалари саккизта вазн тоифасида ташкил этилади. Эркаклар 66, 73, 81, 90 ва ундан ортиқ, хотин-қизлар 52, 63, 78 килограммга вазн тоифасида гиламга чиқади.

Шунингдек, ассамблея йиғилишида 2022 ва 2026 йилги ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича Осий ўйинлари қайси давлатда бўлиб ўтиши маълум бўлди. Осий Олимпия кенгаши қарорига кўра, 2022 йилги турнир Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида, 2026 йилги мусобақа Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтади.

Шахбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

янги ўқув йили муваффақиятли бошланди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 июль кунги Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда вилоятнинг таълим соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжи юқорилигини таъкидлаб, Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш масаласини илгари сурган эди. Учрашувда айтилган янгилик бир ҳафта ўтар-ўтмай ҳаётда ўз тасдиғини топди. Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан мазкур таълим муассасасида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ва уларнинг ота-оналари, вилоятдаги таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда вилоят халқ таълими тизимида 1348 таълим муассасаси, жумладан, 406 мактабгача таълим муассасаси, 871 умумий ўрта таълим мактаби, 2 Мехрибонлик уйи, 31 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 «Баркамол авлод» маркази, 19 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият олиб бормоқда. Шу боис янги ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институтини вилоятнинг халқ таълими тизимини малакали кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— 2017-2018 ўқув йили учун қабул квоталари бўйича институтимизга 21 таълим йўналишига қабул қилинган



Бирон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

750 нафар талабага таълим-тарбия бериш учун 110 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинди, — дейди институт ректори, профессор Ғофуржон Мухамедов. — Эндиликда вилоятнинг барча туманлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш баробарида таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини кенгайтириш имкониятини яратиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Биз келгусида талаба-ёшларнинг маънавий дунёқараши ва маърифий тафаккурини янада юксалтириш билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошириб, институтимизни нуфузли олий таълим даргоҳларидан бирига айлантириш учун бор билим ва тажрибамизни сафарбар қиламиз.

— Тошкент вилоятида бу олийгоҳнинг ташкил этилиши олий маълумотга эга бўлишни истаган ёшларимиз учун кенг истиқболларни очди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров. — Бу баландпарвоз

гаплар эмас. Мен бундан вилоятнинг таълим тизимидан яхши хабардор бўлганим учун айтаяпман. Бугунги кунда вилоятимиздаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида асосан, хотин-қизларимиз меҳнат қилади. Уларнинг аксариятида уч-тўрт нафар фарзанди бор, олий маълумот олиш учун кундузи таҳсил олишга шароитлари йўқ. Вилоятимиз аҳли ҳар қанча қувонса арзийдиган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу йил педагогика олийгоҳларига тест имтиҳонларини топшириб,

маълум сабабларга кўра, етарли балл тўплай олмаган ёшларимизга таҳсилни тўғридан-тўғри айнан ушбу даргоҳда давом эттириш имконияти туғилди. Бундай эътибор ва ғам-ҳўрликка ёшларимиз пухта билим олиб, филойилик билан муносиб жавоб қайтаришлари керак бўлади.

— Айнан Чирчиқ шаҳрида педагогика институтининг очилиши бизга фахр-ифтихор бағишлади, — дейди Чирчиқ шаҳар 7-умумтаълим мактаби директори, Халқ таълими аълоҳиси Мавжуда Аширова.



— Бу янгилик таълим соҳаси вакиллари руҳлантириб юборди, вилоятимиз нуфузини янада оширди. Мен раҳбарлик қилаётган мактаб жамоасида ун нафар ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчи бор. Энди уларда ҳам олий маълумот олиш имконияти пайдо бўлди. Келгусида ушбу институт билан мактабимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирганимиз.

— Қизим Дилдора Куттибоева талабалар сафига қабул қилинганлиги оиламизга катта қувонч олиб келди, — дейди Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи Мухаббат Ғойибназарова. — Айнан ушбу институтнинг очилганлиги қизимнинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Биз ота-оналар институтга кириб келарканмиз, замон талаблари даражасидаги бино, кенг ва ёруғ ўқув хоналари, яратилган шарт-шароитларни кўриб, хурсанд бўлдик. Қизим мана шундай институтнинг талабаси бўлганидан қаттиқ ҳаяжонланиб кетганимдан кўзларимга ёш келди.

— Тошкент давлат педагогика университетида тест имтиҳонларини топширган эдим, — дейди Қибрай туманидан Ҳасан Нуриддинов — Талаба бўлишимга озроқ балл етмаганди, лекин бугун менга Чирчиқ давлат педагогика институтини талабаси бўлиш бахти насиб этди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилди, фақат аъло баҳоларга ўқишни, танлаган соҳамнинг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилдим.

Тадбирда иштирок этган маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари институт профессор-ўқитувчиларини, талабаларни янги ўқув йили билан табрикларидилар.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон ва реклама

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

2018 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул эълон қилади:

- 08.00.01-Иқтисодиёт назарияси.
- 08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил.
- 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.14- Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

ТАЛАБГОРЛАР ТАҚДИМ ЭТАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза;
- илмий ишлар рўйхати: таянч докторантура (PhD)га (камида 1 та мақола ва 2 та тезис);
- илмий консультантнинг ёзма розилиғи;
- иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчилик институтига талабгорлар учун);
- паспорт нусхаси;
- 3x4см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси 60-А уй
Тошкент молия институтини Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
Телефон: (99871) 235-41-83
E-mail: bitp@tfi.uz

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 06:00

Topshirilgan vaqti — 08:10

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772010743006

1 2 3 4 5